

## KZ 41 -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўреатиш учун

«26» январ 2022 йил.

Ушбу шартнома «Навоий сув таъминоти» МЧЖ, Томди туман бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Томди тумани хокимлиги Молия бўлими, шахси, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Низом асосида иш олиб борувчи директор К.Игликов, иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилиди:

## I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузиленган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан бўён матинда II гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 8675 нарх бўйича 86.4 м<sup>3</sup>ни:

$1\text{m}^3$  ичимлик сув учун 8675 сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама хақ);

$1\text{ m}^3$  оқова сув учун сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама хақ);

Шу тарика шартноманинг умумий киймати Етти юз кирик туккис минг беш юз йигирма сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 749520 сўм, бюджетдан ташкири маблағларидан 0 сўм бюджетдан ташкири маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазналилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳак тўлаша тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқарни хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама хақи  $1\text{m}^3$  ичимлик сув учун сўм,  $1\text{ m}^3$  оқова сув хизмати учун сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

## II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, ишишот ва курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат берниш хукукига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилимайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартноманинг «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дараҳатларни сугориш учун фойдаланилишига куйидаги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлгандан ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини очиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчиликда белгиланган тартибида амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва хисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги мебёр, қоидалар ва бошқа мебёрй хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак микдори ўзгарган санасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб колади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар кийитилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулқорлари ширкатлари ўртасида, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, ишоотлари ҳамда курилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиши юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб кўйувчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир кисми хисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички кисми хисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова кудуги (камераси) магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу кудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблагилари хисобидан амалга оширилади.

## III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

## 3.1. «Истеъмолчи» нинг хукуклари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан конунчиликда ва шартнома шартларida кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлами бекор килиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари жамки ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

### 3.2. «Истъемолчи» нинг маъжбуриятлари:

3.2.1. Оқава тармоғида авария бўлгандирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истъемолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоқлари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истъемолчининг оқава тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташкилотида авария (тиқилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарапни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув зулфинларидағи пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва курилмаларнинг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истъемолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувоғик маъжбуриятларига риоя килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санаасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниг ёсиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

### 3.3. «Таъминотчи» нинг хукуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истъемолчини 7 кун аввал ёзма равиша огоҳлантирган ҳолда, куйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул килишини тўлиқ ва кисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истъемолчи»га тегишили ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истъемолчи томонидан бажарилмагандা;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истъемолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмалари ва иншоотларни назорат килиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш максадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф килинганда сув беришни мувоғиклаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келгандга истъемолчи томонидан асоссиз равиша киритилмагандা;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истъемолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмалари режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истъемолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истъемолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истъемолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳак тўланмагандা;

е) «Истъемолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида руҳсатнома олган субабонентларнинг тегишили тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истъемолчи» томонидан шартномага шартлари бажарилмагандан ва у оқизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмагандা.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки кисман тўхтатишига ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгина чиқкан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.

### 3.4. «Таъминотчи»нинг маъжбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқарб юбориши юзасидан шартномага шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равиша назорат килиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истъемолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоқлари, иншоотлари ҳамда курилмаларнинг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равиша назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истъемолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истъемолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя килинаётганини мунтазам равиша назорат килиш;

3.4.6. Сув истъемоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан ортирилувчи 10,0 коэффициентин қўллаш;

3.4.7. Оқава сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартномага шартларига мувоғик ўз маъжбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истъемолчига пена хисоблаш;

3.4.9. Истъемолчиларнинг шартномага шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат килиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истъемолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истъемолчиларни хабардор килиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истъемолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

## IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувоғик маъжбуриятларни бажармаслиқда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқсан зарарни, «Истъемолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истъемолчи» куйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги кисмларининг худудиди ва тасарруфида бўлган пломбаланган хисоблаш курилмаларининг бутун сакланниши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг қасддан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидағи кўрсаткичларни ташкаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истъемолчи» худудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл кўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истъемолчи»нинг маъсулияти ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» куйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувоғик ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истъемолчи»ларга ичимлик ва оқава сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) «Истемлчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;  
г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувининг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истемлчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3. Тўловнинг шартномада белгилангандан кечикирилган ҳар бир куни учун истемлочи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4. «Истемлчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истемлочиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўттандан кейин қарзларни конун хужжатларида белгиланган тартибида истемлочиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узib кўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгинадан сакланни ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истемлчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узib кўйилган ҳолларда кайта улашда «Истемлочи»дан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш оркали ундирилади;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармогидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истемлочи килинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоклари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилиади. «Истемлочи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорларига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истемлочи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект этаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объектларидан маҳсус сув олиш ёки истемлочи қилиш учун рухсатноманинг қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манба (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимида оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истемлочи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туашмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект этаси ўзгарганда истемлочи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларни тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истемлочи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги этаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик сувни ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда:  $M$  – 0,60 га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркян тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт – 24 соат, секундларда.

Кўйдаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида хисобланади:

6.2.1. «Истемлочи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдалангандা;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориши бўгинидаги кўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниклаши имконияти чегаралангандা;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгинадан сакланниш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узib ташланган кунга қадар хисобга олиниади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат дайво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниклаш мумкин бўлмаса, бу муддат дайво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буортмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истемлочи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким карори ва кадастр хужжатлари ҳамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб қилишига ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат кулиучи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истемлочи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёздида ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимида рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизиладиган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истемлочи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан қабул килинган 11 сонли карори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул килиш қоидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истемлочи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент миқдор тартибида хисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишининг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл кўйиладиган чекланган миқдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантируvчи моддаларнинг чиқариш тақлиланади.

6.9. Ифлослантируvчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини хисоблаш ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилиши таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул килиш қоидалари ҳамда ифлослантируvчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истемлочи» оқова тармоқларидан узib кўйилади.

# Хаттон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RE50033667

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганилиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томондама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқлади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўқсинглик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал килиш муддати

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

## X. Тарафларнинг юридик манзили:

### «ТАЪМИНОТЧИ»

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ  
Томди туман бўлими  
Манзил: Томди тумани  
Б.Жирау кўчаси 1-й  
Тел: 79 582-23-97  
Банк: АТИБ Ипотека банки  
МФО: 00205, ИИНН 300024824  
х/р: 22638000504548322367

Рахбар \_\_\_\_\_  
М.Ў. (Ф.И.О. имзо)  
«\_\_\_» 2022 й.

### «ИСТЕЬМОЛЧИ»

Томди тумани ҳокимлиги Молия бўлими  
Манзил Томди тумани Янги Томди кургони  
Тел: 79,582-11-14, факс 79,582-12-15

Банк Тошкент шахри Марказий банк  
Банк коди 00014 СТИР 200019135  
ХХХТУТ 97160

Шахсий х-р 100022860122447011312092005  
Банк Тошкент шахри Марказий банк  
Банк коди 00014 СТИР 200019135  
Томди тумани  
(ғазначилик бўлинмаси номи)

Рахбар Игиликов Кылышбек Аббазович  
М.Ў. (Ф.И.О. имзо)  
«\_\_\_»



### Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳукукий асоси тўғрисида”ги  
Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Юрисконсульт: \_\_\_\_\_

«\_\_\_» . 202 \_\_\_ й.

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi  
**Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi

**Tomdi tumani Moliya bo’limining-2022-yil 26-dekabrdagi №KZ 41-sonli iste’molchilarga ichimlik va oqova suvi xizmatlarini ko’rsatish shartnomasi.**

Shartnomaning umumiy qiymati 749520-so’m.

3.Loyihaning ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot  
**Tomdi tumani Moliya bo’limi. 27.01.2022-yil.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tomdi tumani Yuridik xizmat  
ko’rsatish markaz boshlig‘i**



I.Abdullayev  
27.01.2022-yil.